

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВ ДУРБЕК АБДИХОШИМОВИЧ**

***PHLOMIS* ТУРКУМИГА МАНСУБ ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферат мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**  
**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
chemistry sciences**

**Усманов Дурбек Абдихошимович**

*Phlomis* туркумига мансуб ўсимликларни кимёвий тадқиқ қилиш  
ва уларнинг биологик фаоллиги ..... 3

**Usmanov Durbek Abdikhoshimovich**

Chemical investigation of the plants of *Phlomis* species and their biological  
activity ..... 21

**Усманов Дурбек Абдихошимович**

Химическое исследование растений рода *Phlomis* и их биологическая  
активность ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВ ДУРБЕК АБДИХОШИМОВИЧ**

***PHLOMIS* ТУРКУМИГА МАНСУБ ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ  
ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/K211 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (рузюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рамазонов Нурмурод Шералиевич**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ташходжаев Баходир**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Мирзаахмедов Шарафитдин Яшинович**  
кимё фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент Фармацевтика Институти**

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_»\_\_\_\_\_соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел.: (+99871) 262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: plant-inst@icps.org.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_»\_\_\_\_\_да тарқатилди.  
(2021 йил \_\_\_\_\_даги\_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ш. Сагдуллаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.К. Хидирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.н.

**С.Ф. Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё миқёсида табиий ўсимлик хом ашёлари асосида физиологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва биологик фаоллигини аниқлаш ҳамда улар асосида янги, юқори самарали дори воситаларини олиш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Тиббиётда ўсимликлардан олинадиган дори воситаларига бўлган талабнинг ортиб бориши синтетик аналогларига нисбатан захарсизлик кўрсаткичлари бўйича устун эканлигидадир. Шунинг учун, доривор ўсимликлардан табиий бирикмаларни ажратиб олиш ва улар асосида юқори терапевтик самарали дори воситалари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда биологик фаол бирикмаларга бой бўлган доривор ўсимлик манбааларини излаб топиш, ўсимликларнинг таркибидан биологик фаол моддаларни соф ҳолда ажратиб олиш, уларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлашга оид илмий тадқиқотлар мавжуд. Ўсимликлардан ажратиб олинган иридоидлар асосида тиббиёт амалиётида пешоб ҳайдовчи, сут кўпайтирувчи, жигар фаолиятини яхшиловчи, оғрик қолдирувчи хусусиятига эга 30 дан ортиқ дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлиб, яллиғланишга, саратонга қарши самарали воситалар сифатида кенг қўлланилмоқда.

Республикада маҳаллий хом ашёлар асосида янги самарали дори воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида “фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларни арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Бу борада, маҳаллий ўсимлик хом ашёлари асосида биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини тадқиқ этиш, улар асосида янги самарали дори воситаларини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ” тўғрисидаги Фармони

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижнинг етакчи илмий марказларида *Phlomis* туркум ўсимликларининг тритерпеноид, флавоноид, иридоид, фенол бирикмалари, эфир мойларининг кимёвий тузилишлари ва биологик фаолликларини аниқлаш, шунингдек улар асосида янги дори воситаларини яратиш бўйича етакчи олимлар B. Dinda, L.J. El-Naggar, I. Calis, F.N. Yalcin, D. Azizian, M.D. Carmona, Z.J. Lia, A. Venditti ва бошқаларнинг илмий мактаблари шуғулланишган.

Ўзбекистонда мазкур йўналишда З. Саатов, М. Мақсудов ва бошқалар тадқиқот олиб борганлар. *Phlomis ostrowskiana* R. ва *Phlomis linearifolia* Z. ўсимлик турларининг кимёвий таркиби бизнинг тадқиқотларимизгача ўрганилмаган. *Phlomis severtzovii* туридан эфир мойлари ва ламиид иридоиди Н. Мамадалиева томонидан ажратилган.

*Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликлари захирасининг кўплиги, таркиби кўплаб иккиламчи метаболитларга бойлиги, кимёвий жиҳатдан тўла ўрганилмаганлиги, бу соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ушбу ўсимликлар таркибидан янги ва самарали биологик фаол бирикмаларни ажратиш олиш муҳимлиги ушбу мавзунини танлашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170927342 рақамли “*Phlomoidea* ва *Phlomis* туркум ўсимлик иридоидлари асосида антитоксин фаолликка эга воситани яратиш” (2018-2020 йй) ва ФА-А11-ТО31 “Экдистерон ва унинг полисинтетик ҳосилалари асосида қандли диабетни даволаш учун янги самарали воситасини яратиш” (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Phlomis ostrowskiana* R., *Phlomis linearifolia* Z. ва *Phlomis severtzovii* R. ўсимликларининг метаболит моддаларини ажратиш олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ҳамда биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

*Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликларини экстракция қилиш, фракцияларга ажратиш, хроматографик усуллар ёрдамида моддаларни соф ҳолда ажратиш олиш;

ажратилган моддаларнинг кимёвий тузилишини спектроскопик усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш;

*Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликларидан ажратиш олинган иридоидларнинг биологик фаоллигини аниқлаш;

микдорий нисбат тузилиши-фаоллиги (QSAR) усулидан фойдаланган ҳолда, иридоидларнинг жигар фаолиятини яхшиловчи биологик фаоллигини башорат қилиб берувчи модел яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда ўсувчи *Phlomis ostrowskiana* R., *Phlomis linearifolia* Z. ва *Phlomis severtzovii* R. ўсимлик турлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликларидан ажратиб олинган метаболит моддалар, уларнинг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг биологик фаолликларини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида экстракция, хроматографик усуллар (ЮҚХ, КХ, ЮССХ, ГХ) дан фойдаланилган. Ажратиб олинган моддаларнинг тузилишлари УБ, ИҚ,  $^1\text{H}$ ,  $^{13}\text{C}$  ЯМР ва СХ-Масс спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланган. Моддаларнинг микдорини аниқлашда ЮССХ ва ГХ усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор *Phlomis severtzovii* ўсимлик туридан 5 та иридоидлар ва янги 7,8-ди-О-ацетилкариоптозид бирикмаси ажратиб олинган, ҳамда унинг тузилиши исботланган;

илк бор *Phlomis ostrowskiana* ўсимлик туридан 3 та ва *Phlomis linearifolia* ўсимлик туридан 4 та иридоидлар ажратиб олинган ва *Phlomis ostrowskiana* (8%) ва *Phlomis linearifolia* (4%) ўсимликлари иридоидларга бой манбаа эканлиги аниқланган;

*Phlomis linearifolia* ўсимлигидан ажратиб олинган липидларнинг кимёвий таркиби аниқланган;

иридоидларни ўсимлик хом ашёсидан бутанолли эритмасини  $\text{Al}_2\text{O}_3$  дан филтрлаш орқали ажратиб олиш юқори самара бериши исботланган;

7,8-ди-О-ацетилкариоптозид иридоидининг солиштирма препарат пирасетам (Ноотропил) дан юқори ноотроп таъсирга эга эканлиги исботланган;

*Phlomis linearifolia* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар йиғиндиси жигар фаолиятини яхшиловчи таъсири солиштирма препарат Карсил билан рақобатлаша олиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

иридоидларни ўсимлик хом ашёсидан  $\text{Al}_2\text{O}_3$  дан филтрлаш орқали ажратиб олишнинг янги, иқтисодий самарадор усули ишлаб чиқилган;

биологик тадқиқотлар натижасида *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликлари келгусида ноотроп, жигар фаолиятини яхшиловчи, алкохолга қарши ва иммунитетни мустаҳкамловчи дори воситаларини яратишда истиқболли хом ашёлар эканлиги аниқланган;

QSAR усулидан фойдаланилган ҳолда, иридоидларнинг жигар фаолиятини яхшиловчи фаоллиги GATS2p, RDF060m ва H8v дескрипторларига боғлиқлиги аниқланган ва уларнинг асосида биофаолликни башорат қилиш модели яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ажратиб олинган моддаларнинг тузилишини тадқиқ қилишда замонавий физик тадқиқот усулларида УБ, ИҚ,  $^1\text{H}$ ,  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопия, ЮҚХ ва КХ, эталон моддалар билан таққослаш усулларида фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг халқаро илмий конференциялардаги муҳокамаси ва тақриз қилинадиган илмий нашрларда чоп этилганлиги, 3 та биологик фаол қўшимчаларнинг меъёрий техник ҳужжатларини тегишли Давлат ташкилотларидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги табиий бирикмани ажратиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликларининг фитокимёвий таркиби ҳақидаги янги маълумотлар билан табиий бирикмалар кимёсини бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация иши натижаларидан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ҳамда илмий тадқиқот муассасаларида ўсимликлардан иридоидларни ажратиб олиш усули бўйича янги тадқиқотлар олиб бориш учун фойдаланилади.

*Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликларидан иридоидларни ажратиб олишнинг самарали усулини такомиллаштириш, ажратиб олинган иридоидлар йиғиндисининг биологик фаолликларини ўрганиш ҳамда иридоидларнинг жигар фаолиятини яхшиловчи биологик фаоллигини башорат қилувчи QSAR моделини яратилиши, улар асосида ноотроп, жигар фаолиятини яхшиловчи, алкогольга қарши ва иммунитетни мустаҳкамловчи таъсирга эга янги истикболли дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар яратиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* ва *Phlomis severtzovii* ўсимликларининг кимёвий таркиби ва биологик фаолликларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жигар фаолиятини яхшиловчи фаолликка эга “Леанир” биологик фаол қўшимча учун меъёрий-техник ҳужжатлар: ташкилот стандарти (Ts 03535440-035:2019) ва технологик йўриқнома (ТИ 03535440-035:2019) ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзстандарт агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада жигар фаолиятини яхшиловчи “Леанир” биологик фаол қўшимчанинг капсула шаклини ишлаб чиқариш имконини берган;

алкоголдан кучли захарланишга қарши ва ноотроп фаолликларга эга “Севенур” ва “Остропин” биологик фаол қўшимчалари учун меъёрий-техник ҳужжатлар ташкилот стандарти (Ts 03535440-036:2020) ва технологик йўриқнома (ТИ 03535440-037:2020) ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзстандарт агентлиги томонидан тасдиқланган. Натижада алкогольдан кучли захарланишга қарши ва ноотроп фаолликларга эга “Севенур” ва “Остропин” биологик фаол қўшимчаларининг капсула шакллари ишлаб чиқариш имконини берган.



**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий ишлар chop этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини chop этишга тавсия этилган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган. 2 та ихтирога патент олиш учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига ариза топширилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг “*Адабиётлар шарҳи*” деб номланган **биринчи бобда** *Phlomis* туркуми ўсимликлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. *Phlomis* туркуми ўсимликларининг ботаник тавсифлари, табиатда тарқалиши, ажратиб олинган табиий бирикмалари ва ўсимликлар таркибидаги биологик фаол метаболитлар биосинтези ҳақида маълумот берилган. *Phlomis* туркуми ўсимликлари таркибида кўп учрайдиган иккиламчи метаболит-иридоидлар ҳақида умумий маълумотлар, уларнинг олиниши, тузилишини аниқлашда физик-кимёвий усулларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, микдорий нисбат тузилиши-фаоллиги (QSAR) усулини табиий бирикмаларга қўллаш ҳақида қисқача муҳокама қилинган.

“**Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси**” номли **иккинчи бобда** *Phlomis* туркумига мансуб *Phlomis severtzovii*, *Phlomis lenearifolia*, *Phlomis ostrowskiana* ўсимликларини кимёвий жиҳатдан тадқиқ қилишда олинган натижалар муҳокама қилинган.

***Phlomis severtzovii* Regel** ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган метанолли экстракт текширилди. Натижада биринчи марта ушбу ўсимликдан жами 6 та (улардан 1 таси янги) иридоидлар ажратиб олинди ва уларнинг кимёвий тузилишлари УБ, ИҚ, 1D ва 2D ЯМР спектрометрик усулларига кўра аниқланди (1-жадвал). Олинган иридоид **1-6** ларнинг тузилишлари ва уларни ажратиб олиш усули 1-2-расмларда келтирилган.

*Phlomis severtzovii* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидларнинг  
физик-кимёвий хусусиятлари

№	Бирикма номи	Брутто формуласи	Суюкланиш ҳарорати, °C	Унуми, %
1	6β-гидроксиполамид	C <sub>17</sub> H <sub>26</sub> O <sub>12</sub>	76	0.031
2	Логанин	C <sub>17</sub> H <sub>26</sub> O <sub>10</sub>	222.2	0.021
3	Пулчелозид	C <sub>17</sub> H <sub>26</sub> O <sub>12</sub>	124.6	0.073
4	Шанжизид метил эфири	C <sub>17</sub> H <sub>26</sub> O <sub>11</sub>	94.8	0.013
5	Флоригизид С (дезоксисесамозид)	C <sub>17</sub> H <sub>24</sub> O <sub>11</sub>	66	0.028
6	7,8-ди-О-ацетил-кариоптозид	C <sub>21</sub> H <sub>30</sub> O <sub>13</sub>	114	0.024



1-расм. *Phlomis severtzovii* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар

Бирикма **6** нинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрда  $J=5.43$  Hz соҳасида дублет сигналининг мавжудлиги, спин-спин таъсир доимийси 7.76 Гц эканлиги ва углеводларга мос сигналлар борлиги, бирикмада глюкозага тегишли углевод борлигини ва  $^1\text{H} - ^1\text{H}$  NOESY ва  $^1\text{H} - ^{13}\text{C}$  HMBC таъсирлашишлар орқали, глюкоза β ҳолатда жойлашганини кўрсатади. Агликондаги углерод атомининг  $\delta$  93.82 да сигнал бергани ва  $^1\text{H} - ^1\text{H}$  NOESY ва  $^1\text{H} - ^{13}\text{C}$  COSY таъсирлашишлар орқали, ушбу углерод атоми 2 та қўшни О атоми билан бирикканини кўрсатади.  $^1\text{H} - ^1\text{H}$  NOESY ва  $^1\text{H} - ^{13}\text{C}$  HMBC таъсирлашишлар орқали Н-5 – Н-10 ягона спин тизимини ҳосил қилганлигини кўриш мумкин.  $sp^2$  гибридланишга эга бўлган мураккаб эфир бўлакларини аниқлашда,  $^{13}\text{C}$


спектрада  $\delta 167$ - $169$  сигналлар асос бўлиб хизмат қилди. 5-Н аңгуляр углерод атомига, 3-Н қўш боғ  $C=C$  га ва 12-Н эфир гуруҳига тегишли эканлиги, бирикмамининг агликон қисмини аниқлашга ёрдам берди.  $^{13}C$  спектрада  $\delta 76.78$  ва  $\delta 88.78$  сигналларнинг борлиги ва 7-Н протон сигналининг кучли майдон томон 5.46 силжиши, уларда қўшимча О атоми борлигини кўрсатади.  $^{13}C$  спектрада ацетилга  $\delta 169.55$  ва  $\delta 169.92$ , метил гуруҳига тегишли  $\delta 21.07$  ва  $\delta 21.82$  сигналлари ва  $^1H$  ЯМР спектрада мос равишда 2.03 ва 1.80 сигналларнинг қайд этилиши бу ацетил гуруҳига тегишли эканлигини кўрсатди ва улар 7-С ва 8-С атомларида жойлашганлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган  $^{13}C$  ва  $^1H$  ЯМР спектрларга асосланиб, бирикма 6 янги тузилишли иридоид – 7,8-ди-О-ацетилкариоптозид эканлиги исботланди.



**2-расм.** Иридоидларни ажратиб олишнинг анъанавий усули

*Phlomis ostrowskiana* Regel ўсимлигининг фитокимёвий таркиби ва биологик фаолликлари илк бор ўрганилди. Натижада биринчи марта ушбу ўсимликдан жами 3 та иридоидлар янги усулдан фойдаланган ҳолда ажратиб олинди ва уларнинг кимёвий тузилишлари ES-MS, 1D ва 2D ЯМР спектроскопияси усулларида фойдаланган ҳолда аниқланди (2-жадвал). Олинган иридоид **4**, **5**, **7** ларнинг тузилишлари ва уларни ўсимлик хом ашёсидан ажратиб олишнинг иқтисодий самарадор усули 3-4-расмларда келтирилган.



**3-расм.** *Phlomis ostrowskiana* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар

## 2-жадвал

### *Phlomis ostrowskiana* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар

№	Бирикма номи	Брутто формуласи	Унуми, %
4	Шанжизид метил эфири	$C_{17}H_{26}O_{11}$	1.17
5	Флоригизид С (дезоксисесамозид)	$C_{17}H_{24}O_{11}$	2.52
7	Барлерин (8-О- ацетилшанжизид)	$C_{19}H_{28}O_{12}$	5.22

4, 5 ва 7 иридоид гликозидларнинг кимёвий тузилишлари юқори аниқликдаги электроспрей ионланиш масс- ва ЯМР спектроскопия усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланди. 4-Бирикманинг масс спектрида энг юқори чўққи  $m/z$  429.1359 да намоён бўлди ва молекуляр формуласи  $C_{17}H_{26}O_{11}Na$  бўлган  $[M + Na]^+$  ( $m/z$  429.1367) ионнинг молекуляр оғирлигига, 445.1100  $m/z$  даги чўққи молекуляр формуласи  $C_{17}H_{26}O_{11}K$  бўлган  $[M + K]^+$  (445.1106  $m/z$ ) ионнинг молекуляр оғирлигига тўғри келди. 5-Бирикманинг масс спектрида энг юқори чўққи  $m/z$  427.1201 да намоён бўлди ва молекуляр формуласи  $C_{17}H_{24}O_{11}Na$  бўлган  $[M + Na]^+$  ( $m/z$  427.1210) ионнинг молекуляр оғирлигига, 443.0942  $m/z$  даги чўққи молекуляр формуласи  $C_{17}H_{24}O_{11}K$  бўлган  $[M + K]^+$  (443.0950  $m/z$ ) ионнинг молекуляр оғирлигига тўғри келди. 7-Бирикманинг масс спектрида энг юқори чўққи  $m/z$  471.1480 да намоён бўлди ва молекуляр формуласи  $C_{19}H_{28}O_{12}Na$  бўлган  $[M + Na]^+$  ( $m/z$  471.1472) ионнинг молекуляр оғирлигига, 487.1208  $m/z$  даги чўққи молекуляр формуласи  $C_{19}H_{28}O_{12}K$  бўлган  $[M + K]^+$  (487.1212  $m/z$ ) ионнинг молекуляр оғирлигига, ва 466.192  $m/z$  даги чўққи молекуляр формуласи  $C_{19}H_{28}O_{12}NH_4$  бўлган  $[M + NH_4]^+$  (466.1919  $m/z$ ) ионнинг молекуляр оғирлигига тўғри келди. Шундай қилиб, ажратиб олинган бирикмаларнинг молекуляр формулалари  $C_{17}H_{26}O_{11}$ (4),  $C_{17}H_{24}O_{11}$ (5) ва  $C_{19}H_{28}O_{12}$ (7) га тўғри келди.




**4-расм.** Иридоидларни ажратиб олишнинг янги усули  
\*субстанция( иридоидлар йиғиндиси)

4-расмда кўринадики, концентрланган спиртли эритмани алюминий оксид қатламига эга шиша филтрада филтрланди. Кўшимча равишда, алюминий оксид қатламидан экстрактларни ювиб олиш учун н-бутанол билан ювилди ва олинган спиртли эритмалар бирлаштирилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, алюминий оксиддан иборат бўлган қатлам, флавоноид табиатига эга бўлган бирикмаларни ўзига адсорбциялайди ва адсорбент қатлам филтрлашдан кейин сариқ рангга киради. Юқорида айтиб ўтилган усулни алюминий оксиддан иборат бўлган қатлам сариқ рангга кирмагунича такрорланади. Алюминий оксид қатламидан олинган бутанолли эритмани 50°C ва паст босимда қурииб олинади. Олинган қуруқ (ўсимликнинг қуруқ массасига нисбатан 16.7% ни, 125 гр ни ташкил қилади) субстанция 1 асосий компонент сифатида таркибида 3 та иридоиддан ташкил топганлиги аниқланди. Ажратиб олинган иридоидлар йиғиндиси ЮССХ ва ЮСЮҚХ орқали индивидуал иридоидларга ажратилди. Тадқиқотлар натижасида ўсимлик хом ашёсидан иридоидларни ажратиб олишнинг иқтисодий самарадор усули ишлаб чиқилди. Субстанцияни олиш жараёнига сарфланадиган вақт ва хлороформ ва метанол каби реагентлар миқдори 80% га тежалди.

*Phlomis linearifolia* Zokirov ўсимлигининг ер устки қисмидан олинган метанолли ва хлороформли экстрактлар текширилди. Натижада биринчи марта ушбу ўсимликдан жами 4 та иридоид ва 15 та ёғ кислоталари

йиғиндиси ажратиб олинди ва уларнинг кимёвий тузилишлари ES-MS, 1D ва 2D ЯМР ва GS-LC спектроскопияси усулларига кўра аниқланди (3-4-жадвал).



5-расм. *Phlomis linearifolia* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар

3-жадвал

*Phlomis linearifolia* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидларнинг физик-кимёвий хусусиятлари

№	Бирикма номи	Брутто формуласи	Суюқланиш ҳарорати, °C	Унуми, %
3	Пулчелозид	$C_{17}H_{26}O_{12}$	124.6	0.057
4	Шанжизид метил эфири	$C_{17}H_{26}O_{11}$	94.8	0.083
7	Барлерин	$C_{19}H_{28}O_{12}$	74.6	0.024
8	Сесамосид	$C_{17}H_{24}O_{11}$	66.0	0.017

Олинган иридоид 3, 4, 7 ва 8 ларнинг тузилишлари 5-расмда келтирилган.

3, 4, 7 ва 8 иридоид гликозиларнинг кимёвий тузилишлари юқори аниқликдаги электроспрей ионланиш масс-спектроскопия ва ЯМР спектроскопия усуллардан фойдаланган ҳолда аниқланди. 3 чи бирикманинг масс спектрида энг юқори чўкки 445.1316  $m/z$  да намоён бўлди ва молекуляр формуласи  $C_{17}H_{26}O_{12}Na$  бўлган  $[M + Na]^+$  ( $m/z$  445.1316) ионнинг молекуляр

оғирлигига, 461.1056 m/z даги чўққи молекуляр формуласи  $C_{17}H_{24}O_{11}K$  бўлган  $[M + K]^+$  (461.1056 m/z) ионнинг молекуляр оғирлигига тўғри келди. 4,7 ва 8 чи бирикмаларнинг кимёвий тузилишлари ЯМР ва ЮҚХ да стандарт бирикмалар билан солиштириш орқали аниқланди.

*Ph. linearifolia* ўсимлигининг ер устки қисмини комплекс ўрганиш учун унинг липидлари тадқиқ қилинди. Липидлар ўсимликни экстракция қилиш жараёнида хлороформли экстракт таркибига ўтади. *Ph. linearifolia* ўсимлигини хлороформли экстракти таркибидан нейтрал липидлар (НЛ) – 14 та, гликолипидлар (ГЛ) – 13 та ва фосфолипидлар (ФЛ) – 12 та идентификация қилинди. НЛ фракциядаги пальмитин (16:1) кислотаси 52.46% мажор бирикма эканлиги аниқланди. ГЛ ва ФЛ фракциялар таркибида пальмитин кислотаси 65.23% ва 56.41% ни ташкил қилиши исботланди. ω-6 линолен кислотаси НЛ ва ГЛ фракцияларда миқдори 1% дан камлиги, ФЛ таркибида 10.37% ни ташкил қилишини аниқланди. Ўсимлик липид таркибида тўйинмаган ёғ кислоталарнинг улуши мос равишда: НЛда – 17.6% ни, ГЛда – 13.85% ва ФЛда – 15.82% ни ташкил қилиши тажрибалар натижасида аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

*Phlomis linearifolia* ўсимлигининг ёғ кислота таркиби

№	Ёғ кислоталари	Миқдори		
		НЛ	ГЛ	ФЛ
9	10:0, каприн	0,26	-	-
10	12:0, лаурин	1,09	0,37	0,79
11	14:0, миристин	3,79	2,11	6,20
12	15:0, пентадекан	0,68	-	-
13	<b>16:0, пальмитин</b>	<b>52,46</b>	<b>65,23</b>	<b>56,41</b>
14	16:1, пальмитолеин	0,37	4,73	2,21
15	17:0, маргарин	1,69	1,67	1,40
16	18:0, стеарин	13,16	13,82	13,85
17, 18	18:1+18:3, олеин + линолен	16,32	7,84	3,24
19	ω-6 18:2, линон	0,91	0,66	10,37
20	20:0, арахин	3,77	1,24	2,32
21	20:1, эйкозен	-	0,62	-
22	22:0, беген	3,13	0,89	1,97
23	24:0, лигнокаин	2,37	0,82	1,24
Σ тўйинган ёғ кислоталар		82,4	86,15	84,18
Σ тўйинмаган ёғ кислоталар		17,6	13,85	15,82

Диссертациянинг “Иридоидларнинг структура – гепатопротекторлик фаоллиги орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш” деб номланган учинчи боби QSAR усулидан фойдаланилган ҳолда, иридоидларнинг жигар фаолиятини яхшилаш бўйича биологик фаоллигини башорат қилиш модели

яратишга бағишланган бўлиб, АКШнинг Шимолий Дакота Штати Университети профессорлари билан ҳамкорликда бажарилди.

QSAR моделни яратишда асос қилиб 18 та иридоид (5-жадвал) олинди.

#### 5-жадвал

##### Модел яратиш учун олинган иридоидлар

№	Бирикма номи	Таж. IC <sub>50</sub> , мг/кг	Таж. 1/Log[IC <sub>50</sub> ]	Ҳисоб. 1/Log[IC <sub>50</sub> ] 3 та деск. модел	Фарқ
1	Ламиид	25	0.2365	0.2416	0.0051
2	Пискроцин D	64	0.2857	0.3039	0.0182
3	Пискроцин E	29	0.2564	0.3529	0.0965
4*	Рехмаглути A	475	0.3846	0.3106	-0.0740
5	Рехмаглути D	2000	0.5000	0.4974	-0.0026
6	3'-метоксиспеционин	8400	0.5882	0.5659	-0.0223
7	Пискроцин F	1350	0.4000	0.3968	-0.0032
8	Пискроцин G	1050	0.3846	0.3955	0.0109
9	Пискрозид B	0.025	0.1370	0.1548	0.0179
10	Пискрозид II	10	0.2128	0.2741	0.0614
11	Пискрозид I	0.0025	0.1205	0.1071	-0.0134
12*	Пискрозид III	0.75	0.1695	0.1636	-0.0059
13	Амарогентин	100	0.2654	0.2704	0.0051
14	Свертимарин	100	0.2799	0.2850	0.0051
15	Гентипикрозид	130	0.2909	0.2718	-0.0191
16*	Генипозид	400	0.3348	0.2761	-0.0586
17	Плумирид	20	0.2288	0.2744	0.0457
18	Каталпол	40	0.2527	0.1890	-0.0637

\*Тест учун танлаб олинган иридоидлар.

Тажриба учун олинган иридоидлар Hyperchem 8.0 дастури орқали чизилиб, фазовий тузилиши оптимизация қилинди. Бирикмаларнинг дескрипторлари DRAGON 4.0 дастурида ҳисобланди. QSAR моделлар QSARIN 2.0 дастури орқали яратилди. 1, 2 ва 3 та дескриптордан иборат бўлган моделларнинг статистик кўрсаткичлари 6-жадвалда келтирилган.

#### 6-жадвал

##### 1, 2 ва 3 та дескриптордан иборат бўлган моделлар

Модел, дескриптор сони	Тажриба, n=15				Тест, n=3	
	$r^2$	$s$	$F$	$q^2$	$r^2$	$s$
1	0.639	0.080	23.065	0.519	0.865	0.100
2	0.812	0.060	25.966	0.721	0.993	0.050
3	0.904	0.045	34.651	0.846	0.941	0.051



Яратилган 3 та моделдан 3 та дескрипторга эга модел, энг яхши  $r^2$ (ўзаро боғлиқлик коэффиценти)=0.904 ва  $q^2$ (ўзаро боғлиқликни текшириш коэффиценти)=0.846 га эга эканлиги аниқланди ва шу модель иридоидларнинг жигар фаолиятини яхшиловчи фаолиятни башорат қилувчи модель сифатида танлаб олинди.

Танлаб олинган QSAR моделининг математик формуласи қуйидагича кўриниш олди:

$$1/\text{Log}[\text{IC}_{50}] = -1.028(\pm 0.369) \text{ GATS2p} - 0.015 (\pm 0.005) \text{ RDF060m} + 1.14(\pm 0.647) \text{ H8v} + 1.562(\pm 0.427)$$


$n=15$ ;  $r^2=0.904$ ;  $\text{RMSE}_{\text{tr}}=0.412$  (тажриба);

$n=3$ ;  $r^2_{\text{ext}}=0.941$  (тест)

$Q^2_{\text{LOO}}=0.8458$ ;  $Q^2_{\text{LMO}}=0.8258$

Танлаб олинган моделни қуйидаги дескрипторлар: GATS2p (Geary автокорреляцияси), RDF060m (Радиал тақсимланиш функцияси - 060), H8v (H автокорреляцияси) ташкил қилади. Модель 3 учта ўзгарувчи билан энг яхши ишлашини таъминлайди. Ҳар учала модель тажриба учун яхши ўзаро боғлиқлик коэффицентини (муқобил катталиқ 0.5 дан юқори бўлиши керак) намоён қилиши аниқланди, лекин 3 - модель энг яхши ўзаро боғлиқликни текшириш коэффицентини кўрсатганлиги аниқланди. Шунинг учун, 3 - модель иридоидларнинг жигар фаолиятини яхшилашни башорат қилувчи модель сифатида танлаб олинди.

Моделнинг график кўриниши 6-расмда келтирилган.



**6-расм.** Танлаб олинган моделнинг график кўринишлари: (а) кузатилган ва башорат қилинган корреляция кўриниши; (б) Виллиам графиги. Сарик доиралар – тажриба тўплами, кўк доира – тест тўплам.

Танлаб олинган дескрипторлар молекула тузилишига асосланган дескрипторлар ҳисобланади.

Бунда, GATS2p – кутблиликка асосланган дескриптор. Молекуланинг тузилиши ва атомларнинг хоссаларини (Ван дер Вальс ҳажми) кўрсатувчи катталиқ. GATS2p дескрипторининг манфийлиги шундан далолат берадики, ушбу дескрипторнинг ўсиши  $1/\text{Log}(\text{IC}_{50})$  қийматининг пасайишига олиб келади ва бу ўз навбатида  $\text{IC}_{50}$  кўрсаткичига ижобий таъсирга эга эканлигини кўрсатади.

RDF060m – радиал функциянинг тақсимланиш дескриптори. Қўшни атомларнинг 3 фазовий ўлчамда оғирликларини бир-бирига боғлиқлигини белгиловчи катталиқ. Формула 2 оралиқ масофа функциясини кўрсатади:

$$RDF(r) = f \sum_{i=1}^{N-1} \sum_{j=i+1}^N A_i A_j e^{-B(r-r_{ij})^2}$$

бу ерда  $f$  - ўлчов омили,  $N$  -  $i$  ва  $j$  атомлар сони ва  $r_{ij}$  – интератомик масофа.

RDF060m дескрипторининг манфийлиги ҳам, ушбу дескрипторнинг ўсиши  $1/\text{Log}(\text{IC}_{50})$  қийматининг пасайишига олиб келишига ва бу ўз навбатида  $\text{IC}_{50}$  кўрсаткичига ижобий таъсирга эканлигини кўрсатади.

H8v – молекулада атомларнинг жойлашувини, атом ҳажми ва Ван дер Вальс ҳажмини кўрсатувчи катталиқ. Ван дер Вальс ҳажми, атом ҳажми ва молекула маркази орасидаги масофа қанчалик юқори бўлса, H8v ҳам шунчалик юқори бўлади. H8v нинг мусбат кўрсаткичи,  $\text{IC}_{50}$  кўрсаткичига тескари пропорционал таъсирга эга эканлигини кўрсатади.

Диссертация ишининг **“Phlomis туркумининг биологик фаолликлари”** деб номланган **тўртинчи бобида**, *Phlomis* туркумига мансуб *Phlomis severtzovii*, *Ph. lenearifolia*, *Ph. ostrowskiana* ўсимликларидан ажратиб олинган иккиламчи метаболитларнинг жигар фаолиятини яхшиловчи, кучли алкоғолдан захарланишга қарши, ноотроп биологик фаолликлари ўсимлик моддалари кимёси институтининг Фармакология ва токсикология бўлими илмий ҳодимлари билан ҳамкорликда бажарилди.

*Phlomis severtzovii* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар йиғмаси ва индивидуал бирикмаларнинг алкоғолдан кучли захарланишга қарши биологик фаоллиги ўрганилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, иридоидлар йиғиндиси ва 6β-гидроксиполамидларни 10-25-50 мг/кг миқдорларда юборилиши, назорат ҳайвонларга нисбатан ёнбошлаб ётиш ҳолатини мос равишда 22.8%, 43%, 42%, 34.2%, 51% ва 45% қисқартирди.

6β-гидроксиполамид иридоиди 25мг/кг да 51%га ва иридоидлар йиғмаси 25 мг/кг 43% га этанол билан захарланиш таъсирини камайтириши аниқланди.

7,8-ди-О-ацетилкариоптозид иридоиди ноотроп биологик фаоллиги текширилди. Тажрибалар натижасида 7,8-ди-О-ацетилкариоптозид янги иридоиди 5мг/кг миқдорда пирацетамга нисбатан 2 марта фаолроқ эканлиги аниқланди.

Шунингдек, *Phlomis ostrowskiana* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар йиғиндиси, скополамин билан юзага келтирилган амнезияга қарши фаоллиги ўрганилди. Натижада, иридоидлар йиғмаси ноотроп фаолликка эга эканлиги аниқланди (7-жадвал).

**7-жадвал**

**Иридоидлар йиғмасининг скополамин билан юзага келтирилган амнезияга таъсири**

№	Тажриба шароити	Миқдор мг/кг	Юборилиш усули	Дискримина- ция коэфф.
1	Назорат			0.88
2	Скополамин	0.2	тери остига	0.09
3	Иридоидлар йиғмаси + Скополамин	5.0 0.2	тери остига per os	0.85
4	Иридоидлар йиғмаси + Скополамин	10.0 0.2	тери остига per os	0.91
5	Иридоидлар йиғмаси + Скополамин	25.0 0.2	тери остига per os	0.89

Натижалар шуни кўрсатдики, иридоидлар йиғиндиси 10 мг/кг миқдорда юқори фаолликка эга.

*Phlomis linearifolia* ўсимлигидан ажратиб олинган иридоидлар йиғиндисини  $CCl_4$  билан юзага келтирилган гепатитга қарши фаоллигини ўрганиш натижасида унинг Карсил препарати билан рақобатлаша олиши аниқланди (8-жадвал).

**8-жадвал**

***Phlomis linearifolia* ўсимлигидан олинган ИЙ ва Карсил дори воситасининг  $CCl_4$  билан чақирилган гепатит натижасида қоннинг биокимёвий таркибига таъсири ( $M \pm m$ ,  $n=6-8$ )**

Тажриба шартлари	АЛТ µмоль/л	АСТ µмоль/л	Оқсил, % µмоль/л
Нормал назорат	0.96±0.06	1.48±0.12	7.2±0.12
Модель назорат	3.84±0.18	2.62±0.18	5.4±0.06
$CCl_4$ +ИЙ, 3- кун	2.32±0.16	1.82±0.09	6.8±0.10
$CCl_4$ +Карсил, 3- кун	2.92±0.22	2.20±0.10	6.2±0.08
Модель назорат	3.10±0.17	2.20±0.18	5.8±0.07
$CCl_4$ +ИЙ, 7-кун	1.48±0.14	1.52±0.12	7.0±0.14
$CCl_4$ +Карсил, 7-кун	2.20±0.26	1.80±0.08	6.6±0.08
Модель назорат	1.80±0.24	1.74±0.06	6.4±0.18
$CCl_4$ +ИЙ, 14-кун	0.93±0.05	1.46±0.10	7.3±0.14
$CCl_4$ +Карсил, 14-кун	1.20±0.08	1.58±0.07	6.9±0.09

Олинган натижалар асосида, алкоғолдан кучли захарланишга қарши ва ноотроп фаолликларга эга “Севенур” ва “Остропин” биологик фаол қўшимчалари учун меъёрий-техник ҳужжатлар ташкилот стандарти (Ts 03535440-036:2020, 01.06.2020) ва технологик йўриқнома (ТИ 03535440-037:2020, 10.09.2020) ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзстандарт агентлиги томонидан тасдиқланган.

Олинган натижалар асосида, жигар фаолиятини яхшиловчи фаолликка эга “Леанир” биологик фаол қўшимча учун меъёрий-техник ҳужжатлар ташкилот стандарти (Ts 03535440-035:2019, 24.12.2019) ва технологик йўриқнома (ТИ 03535440-035:2019, 01.06.2020) ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзстандарт агентлиги томонидан тасдиқланган.

Диссертациянинг “Экспериментал бўлим” деб номланган бешинчи бобида ўсимлик объектларидан биологик фаол бирикмаларни ажратиб олиш усуллари; КХ, ЮССХ, ЮСЮҚХ ёрдамида аралашмалардан индивидуал кўринишдаги моддаларни ажратиб олиш; биологик тажрибаларнинг шароитлари; QSAR модель яратиш жараёнидаги шароитлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

### ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор *Lamiaceae* оиласи *Phlomis* туркумининг 3 тур ўсимликларидан 23 та метаболитлар замонавий хроматографик усуллар (препаратив ЮССХ, КХ, ГХ, ЮСЮҚХ) ёрдамида ажратиб олинди. Бирикмаларнинг кимёвий тузилишлари аналитик (ЮССХ-Масс, ЭС-Масс, 1D ва 2D ЯМР спектроскопияси) усуллари ёрдамида аниқланди ва натижада 8 та иридоид ва 15 та липид сифатида идентификация қилинди.

2. *Phlomis severtzovii* ўсимлигидан янги иридоид гликозид 7,8-ди-О-ацетилкариоптозид ажратиб олинди, унинг тузилиши исботланди ва ушбу тур ўсимлиги иридоидларга бой истиқболли манбаа сифатида тавсия этилди.

3. Илк бор ўсимлик хом ашёсидан алюминий оксидидан филтрлаб, ацетон билан қайта ишлаш асосида, иридоидларни олишнинг янги усули ишлаб чиқилди ва иқтисодий самарадор усул сифатида тавсия қилинди.

4. Биринчи марта иридоидларнинг “жигар фаолиятини яхшиловчи” фаолликни намоён қилишни башорат қилувчи QSAR модели яратилди ва иридоидларни мақсадли модификация қилиш учун тавсия қилинди.

5. *Phlomis severtzovii* ва *Phlomis ostrowskiana* ўсимликларидан олинган иридоидлар йиғиндиси алкоғолдан кучли захарланишга қарши ва ноотроп фаолликларни намоён қилиши аниқланди. *Phlomis linearifolia* ўсимлигидан олинган иридоидлар йиғиндиси жигар фаолиятини яхшиловчи фаолликни намоён қилиши аниқланди ва “Севенур”, “Остропин” ва “Леанир” номли биологик фаол қўшимчаларга ташкилот стандартлари ва технологик йўриқномалар ишлаб чиқилди, Ўзстандарт агентлиги томонидан тасдиқланди.

**SCIENTIFIC COUNCIL ON AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 AT THE INSTITUTE OF CHEMISTRY OF  
PLANT SUBSTANCES**

---

**INSTITUTE OF CHEMISTRY OF PLANT SUBSTANCES**

**USMANOV DURBEK ABDIKHOSHIMOVICH**

**CHEMICAL INVESTIGATION OF THE PLANTS OF *PHLOMIS* SPECIES  
AND THEIR BIOLOGICAL ACTIVITY**

**02.00.10 – Bioorganic chemistry**

**DISSERTATION ABSTRACT  
FOR THE DOCTOR OF PHILOSOPHY ON CHEMICAL SCIENCES (PhD)**

**Tashkent-2021**

**The title of the dissertation of doctor of philosophy (PhD) has been registered by the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan with registration numbers of B2021.1.PhD/K211.**

The dissertation has been prepared at the Institute of Chemistry of Plant Substances.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, English, Russian (resume)) languages on the website of the Scientific Council (uzicps.uz) and on the website of «ZiyoNet» information and educational portal (www.ziynet.uz).

**Scientific adviser:**

**Ramazonov Nurmurod Sheralievich**  
doctor of sciences in chemistry, professor

**Official opponents:**

**Tashkhodzhaev Bakhodir**  
doctor of sciences in chemistry, professor

**Mirzaakhmedov Sharafitdin Yashinovich**  
candidate of chemical science

**Leading organization:**

**Tashkent Pharmaceutical Institute**

Defense will take place on \_\_\_\_\_2021 year \_\_\_\_ at the meeting of the Scientific council DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 of the Institute of Chemistry of Plant Substances at the following address: 100170, Tashkent, 77, M.Ulugbek street. Phone: (+99871) 262-59-13, Fax: (+99871) 262-73-48).

The dissertation has been registered at the Information Resource Centre of the Institute of Chemistry of Plant Substances (registration number \_\_) at the following address: 100170, Tashkent, 77, M.Ulugbek street. Phone: (+99871) 262-59-13, Fax: (+99871) 262-73-48), e-mail: plant-inst@icps.org.uz.

Abstract of the dissertation is distributed on «\_\_»\_\_\_\_\_2021.  
(protocol at the register No \_\_\_\_ dated \_\_\_\_\_2021).

**Sh.Sh. Sagdullaev**

Chairman of scientific council on award of  
scientific degrees, D.T.Sc., professor

**N.K. Khidirova**

Acting Scientific secretary of scientific council on award of  
scientific degrees, PhD

**S.F. Aripova**

Chairman of scientific seminar of scientific council  
on award of scientific degrees, D.Ch.Sc., professor

## INTRODUCTION (abstract of the PhD thesis)

**Relevance and necessity of the topic of the dissertation.** Today, multiple researches are being carried out around the world to isolate physiologically active substances based on natural plant raw materials, determine their physicochemical properties and biological activity, and obtain new, highly effective drugs and biologically active additives based on them. The increasing demand for medicines from plants in medicine is due to the fact that they dominate the indicators of harmlessness in relation to their synthetic analogues. Therefore, great attention is paid to the creation of intelligent, cost-effective, and environmentally friendly, high-yield technologies for the extraction of natural compounds from medicinal plants and the production based on highly therapeutic effective drugs and biologically active additives.

Currently, there are scientific researches around world on the search for sources of medical plants rich in biologically active compounds, the isolation of pure biologically active substances from plants, the determination of their pharmaco-toxicological properties. More than 30 drugs based on iridoids isolated from plants have been developed and are widely used in medical practice as diuretics, laxatives, liver enhancers, analgesics, effective anti-inflammatory, and anti-cancer agents.

Our country pays special attention to the criterion of new effective drugs based on local raw materials, and precise scientific and practical results are being achieved in this regard. The 4<sup>th</sup> direction of the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan identifies important tasks for “further development of the pharmaceutical industry, improving the provision of the population and medical institutions with cheap and high-quality drugs”<sup>2</sup>. In this regard, it is important to organize research work, including the isolation of biologically active substances based on local raw materials, the study of their structure and activity, the development of new effective drugs based on them and criterion of their production technologies.

The dissertation research to some extent will contribute to the implementation of the tasks set out in the Resolutions of the Government of the Republic of Uzbekistan including the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan, No. UP-3532 as of February 14, 2018 “On Additional Measures for the Accelerated Development of the Pharmaceutical Industry”, Resolution, No. UP-5707 as of April 10, 2019 “On Measures for Further Acceleration the Development of the Pharmaceutical Industry in 2019-2021”, and Resolution of the Republic of Uzbekistan as of May 6, 2019, No. UP-4310 “On Measures for Further Development of medical and Pharmaceutical Education and Science” and other regulations related to this activity.

**Relevant research priority areas of science and developing technology of the Republic of Uzbekistan.** This research was carried out in accordance with the

---

<sup>2</sup> Decree of the President of the Republic of Uzbekistan the Presidential Decree UP-4947 of February 7<sup>th</sup>, 2017 “About the strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan”

priority of directions of the development of science and technology of the Republic of Uzbekistan VI. "Medicine and Pharmacology".

**Problem development status.** Scientific research have been carried out at the foreign scientific center on structure elucidation and biological activities of triterpenoid, flavonoid, phenol compounds, chemical composition of essential oils from *Phlomis* plants, and create on their basis a new effective pharmaceuticals. The leading scientist involved in these studies include B. Dinda, L.J. El-Naggar, I. Calis, F.N. Yalcin, D. Azizian, M.D. Carmona, Z.J. Lia, A. Venditti and others.

Z.Saatov, M.Maqsudov, and others conducted research in this field in Uzbekistan. The chemical composition of the plant species *Phlomis ostrowskiana* and *Phlomis linearifolia* have not been determined until our research. Essential oils of the space *Phlomis severtzovii* and lamid iridoidi were isolated by N.Mamadalieva.

The fact that *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* and *Phlomis severtzovii* are rich in reserves, rich in many secondary metabolites, and the importance of research in this field, the influence of extracting new and effective biologically active compounds from these plants are not fully studied chemically are considered to be grounds for choosing the topic.

**The relevance of the dissertation research with the plans of the higher education and research institute where dissertation was carried out.** The dissertation research was carried out within the framework of the applied projects of the Institute of the Chemistry of Plant Substances, named after No.PZ-20170927342 "Development of a Drug with Antitoxin Activity on the Basis of Plants Phlomoids and Phlomis" (2018-2020 years) and FA-A11-TO-31 "Treatment of Diabets Mellitus on the Basis of Ecdisterone and its Polysynthetic Derivatives on Creating of New Effective Means" (2015-2017 years).

**The aim of the research work** is the isolation metabolites of *Phlomis ostrowskiana* R., *Phlomis linearifolia* Z. and *Phlomis severtzovii* R. plants, determine their chemical structure and study of their biological activities.

**The task of the research work are:**

extraction of *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* Z. and *Phlomis severtzovii* R. plants, separation into the fractions and pure substances using chromatographic methods;

study of the chemical structure of the isolated substances using the spectrometric methods;

determination of the biological activity of iridoids isolated from plants *Phlomis ostrowskiana*, *Phlomis linearifolia* and *Phlomis severtzovii*;

using the quantitative structure-activity relationship (QSAR) method to create a model that predicts the biological activity of the iridoids with hepatoprotective activity.

